O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 300409

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 9 апрель, № 72 (4735) Пайшанба

Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи:

РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Деҳқонобод туманидаги қир-адирлар, баланд довонлар оша "Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон" темир йўли ўтгач, бу олис ҳудуд бутун дунё билан боғланди.

Мустақиллик иншоотлари



Шу темир йўл шарофати билан туман маркази яқинидаги Бешбулоқ қишлоғида "Деҳқонобод" станцияси қурилиб, замонавий шаҳарча пайдо бўлди. Эндиликда эса Бешбулоқда мамлакат кимё саноатининг яна бир гигант корхонаси — калийли ўғитлар заводи бунёд этилаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 майдаги "Тюбегатан калий тузлари кони базасида Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи қурилишини ташкил этиш чоралари тўғрисида"ги Қарори асосида бошланган бу улкан бунёдкорлик ишларининг кўлами кишини лол қолдиради. Завод иккита таркибий қисм — тоғ-кон ва қайта ишлаш мажмуасидан иборат. Улардан бири темир йўл ёқасидаги Бешбулоқ қишлоғида, иккинчиси эса 44 километр наридаги Хўжаипок қишлоғи яқинида жойлашган. Мана шу катта ҳудудда ҳар куни, ҳар соат, ҳар дақиқада ўзгариш, янгиланиш, бунёдкорлик нафаси уфуриб турибди.

Қир-адирлар орасидаги Тоғайтемир, Гала ва Қўрғонтош қишлоқлари бугун шунчалик гавжум бўлиб кетади, деб ким ҳам ўйлабди дейсиз? Ҳаммаси йўл туфайли. 44 километр узунликдаги "Бешбулоқ-Хўжаипок" автомобиль йўли айни шу қишлоқлардан ўтади. Йўлсозликнинг барча талабларига мос келадиган бу кенг ва равон йўлдан ҳозир қурилиш материаллари, жиҳозлар ташилаяпти. Завод ишга тушгач, калийли тузлар ортилган машиналар карвони қатнайди. Ҳозиргача 40 километрлик электр узатиш линияси ўтказилди, 2 та кичик станция қурилди. 78 километр узоқликдаги "Пачкамар" сув омборидан эса 5 та насос станцияси ёрдамида оби ҳаёт келтирилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



Навоий вилоятида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Ичимлик суви таъминоти яхшиланади

Айни пайтда маҳаллий бюджет ва тадбиркорлар ҳамда ташкилотлар маблағлари ҳисобига 72,1 километрлик янги қувур тармоқларини қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, вилоятдаги 22 та қишлоқда ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида қувурларни таъмирлаш ишлари жадаллаштирилди. Шунингдек, Нурота шаҳри ва шу тумандаги "Қизилча" наслчилик ширкат хўжалиги ҳудудидаги ичимлик суви таъминотидаги узилишларни бартараф этиш мақсадида жиддий изланишлар олиб борилаяпти.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Андижон шаҳридаги "Ўз Донг Ян Ко" Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасида "Нексия", "Матиз", "Дамас" автомобиллари учун жамловчи қисмлар тайёрланади.

Коллеждан — қўшма корхонага

Шуниси эътиборлики, корхона ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ҳисобига янги иш ўринларини яратмоқда.

Коллежни тугатиб, мазкур ишлаб чиқариш муассасасида амалиёт ўтаётган 20 нафарга яқин ёшлар корхона аттестация комиссияси синовидан муваффақиятли ўтгач, ишга қабул қилиндилар.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сурхондарё вилоят "Матлуботсавдо" кооператив ишлаб чиқариш бирлашмаси нон ишлаб чиқариш сифати ва миқдорини ошириш мақсадида энг замонавий нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияларини харид қилган эди.

300 та иш ўрни яратилади

Айни пайтда ушбу технологиялар вилоятдаги учта кичик корхонага ўрнатилди. Корхоналарда тайёрланаётган сифатли маҳсулотлар сурхондарёликлар дастурхонига етказиб берилмоқда.

Ҳозир жамоада бу каби кичик корхоналар сонини 10 тага етказиш борасида ишлар олиб борилмоқда. Бундан ташқари, қишлоқларда 260 та иссиқ нон дўконлари очиш режалаштирилган. Ушбу ишлар натижасида 300 та янги иш ўрни очилади.

О. УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!» РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ

Ватан — ота-боболаримизнинг муборак хоклари ётган табаррук замин. У бир умр севиб, ардоқлаб, кўзимизга тўтиё қилиб яшайдиган муқаддас саждагоҳимиздир. Бу дунёда ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайдиган буюк ва бебаҳо хазинамиздир.

Ватан борки, ор-номусимиз, қадр-қимматимиз бор, ғурур ва ифтихоримиз, иймон-эътиқодимиз мустаҳкам ва барқарор.

Биз, киндик қони шу тупроққа томган юрт фарзандлари, ўзимизни Ватандан айри ҳолда тасаввур этолмаймиз. Ватан туйғуси, Ватан тушунчаси шундай азиз ва улуғ неъматки, ҳаёт йўлларида, оғир ва машаққатли синовларда бизга ҳамиша куч-қувват бахш этиб, мардлик ва жасоратга даъват этади.

Бу ёруғ оламда ягона ва тенгсиз бўлган она юртимиз, Ўзбекистонимизни улуғлаш, уни кўз қорачиғидек асраш, шаъну шарафини ҳимоя қилиш ва юксалтириш, шу олий мақсад йўлида фидо бўлиб яшаш бизнинг муқаддас инсоний бурчимиздир.

Халқимиз, аввалambor, униб-ўсиб келаётган ёш авлод қалбида ана шундай олижаноб туйғуларни камол топтириш, Ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадиий етук қўшиқлар яратишни рағбатлантириш ҳамда уларни эл-юртимизнинг маънавий мулкига айлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1091-сонли қарорига мувофиқ, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси **"Ягонасан, муқаддас Ватан!"** республика кўрик-танловини эълон қилади.

Танлов уч босқичда ташкил этилади:

I босқич — 2009 йил 15 апрелдан 1 июлгача
Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда туман ва шаҳарлар миқёсида ўтказилади.

II босқич — 1 июлдан 20 июлгача
Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида вилоят босқичи бўлиб ўтади.

III босқич — 20 июлдан 10 августгача
Тошкент шаҳрида республика миқёсида ўтказилади.

Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги мутасадди ташкилотларнинг тавсиялари асосида профессионал, ҳаваскор якка ижрочилар ҳамда бадиий жамоалар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Танлов ғолиблари учта йўналиш (матн, мусиқа, ижро маҳорати) бўйича аниқланади ҳамда улар махсус диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланади.

Биринчи ўрин учун
(мукофот ғолиблар ўртасида тенг миқдорда тақсимланади)
9 000 000 сўм

Иккинчи ўрин учун
(мукофот ғолиблар ўртасида тенг миқдорда тақсимланади)
6 000 000 сўм

Учинчи ўрин учун
(мукофот ғолиблар ўртасида тенг миқдорда тақсимланади)
3 000 000 сўм

Танловда ғолиб бўлган қўшиқлардан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллигига бағишлаб Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиладиган байрам тантаналарида фойдаланилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, 13-қават, 9-хона, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги. Телефон: 239-43-73.

ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ — ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Чет эл сиёсий, ҳукумат ва ижтимоий доираларида, оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби кенг шарҳланмоқда.

Европарламент депутати, ЕПнинг ташқи ишлар масалалари бўйича қўмитаси ҳамда Марказий Осиё давлатлари билан алоқалари бўйича делегацияси аъзоси Я. Матсис (Кипр) халқаро ҳамжамият ўз тарихи давомида эҳтимол энг қалтис иқтисодий инқироз билан тўқнаш келаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг китоби билан танишиб, Европарламент Ўзбекистон ривожланишнинг оқилона дастурини ташкил этиш, иқтисодиётни, жамият ва давлатни аниқ мақсадни кўзлаб қайта қуриш йўлида глобал иқтисодий инқироз билан курашаётгани ижобий ҳолат эканлигини тасдиқлайди. Бу Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятда ўз мавқеини мустаҳкамлашга асос бўладиган устувор йўналиш ва тамойиллардир.

Ўзбекистоннинг ижобий иқтисодий кўрсаткичлари унинг глобал инқироз даврида ҳам ривожланишига замин яратади. Бундай ижобий натижаларга мамлакат ҳукумати томонидан комплекс тарзда ташкил қилинган ислоҳотлар дастурининг ҳамжиҳатлик билан амалга оширилаётгани эвазига эришилмоқда.

Мен ҳозирги иқтисодий инқироз шароитида шок терапиясига тушмаслик мақсадида ўта жиддий ёндашилган тадбирлар қабул қилинганлигини кўраман. Президент Ислом Каримовнинг инқирозга қарши туриш учун банк тизими ва барча инфратузилмаларида ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, рақобатдошликни ошириш, даромад, хорижий инвестициялар ва валюта тушумини кўпайтириш борасида тузилмавий ислоҳотларни амалга ошириш билан бир вақтда, янги иш ўринларини ташкил қилиш, иқтисодиётни тиклаш ва турмуш даражасини кўтариш ҳам муҳим эканлиги ҳақидаги фикрига қўшиламан.

Президент асари Ўзбекистон хорижий инвестициялар жалб қилиниши ва бу соҳада яхши натижаларга эришишга аҳамият беришини очиқ намоён этади. Иқтисодиётга маблағ ажратиш орқали инқирозга сиёсий ва иқтисодий таъсир етказишда олиб борилаётган тўғри изланишлар, шу билан бирга унинг барқарор ҳолатини қўллаб-қувватлашда Ўзбекистон муваффақиятга эришмоқда. Иқтисодиётни тиклаш иқтисодий ва сиёсий таълимот ҳисобланади. Иқтисоднинг тикланиши — бу сиёсий маданият.

(Давоми 2-бетда).

ИДОРАЛАРАРО КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда одам савдосига қарши курашиш бўйича Андижон ва Бухоро вилоятлари ҳудудий идоралараро комиссияларининг фаолияти юзасидан ўтказилган текшириш натижалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда одам савдоси жаҳон ҳамжамияти олдида турган долзарб муаммолардан биридир. Кўлами ва қамрови тобора кенгайиб бораётган мазкур трансмиллий жиноий фаолият турига қарши курашиш ҳар бир давлат ва нодавлат ташкилотларнинг муҳим вазифаларидандир. Унинг олдини олишда одам савдосига имкон яратаётган сабаб ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф этиш, бу борада асосан аҳоли бандлиги масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Йиғилишда мамлакатимизда одам савдосига қарши курашишда барча ваколатли идораларнинг кучини бирлаштириш ва ишларни ҳамкорликда ташкил этиш Идоралараро комиссиянинг муҳим вазифаси эканлиги қайд этилди. Шу билан бирга, жойларда одам савдоси жиноятларига қарши курашишда камчиликларга йўл қўйилаётганлиги танқид остига олинди. Йиғилишда ҳар икки вилоят ҳудудий идоралараро комиссия раисларининг ҳисоботлари тингланди.

Республика Идоралараро комиссияси, унинг доимий фаолият кўрсатувчи таҳлилий ишчи гуруҳи аъзолари, тегишли идораларнинг масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, одам савдосига қарши курашишни янада кучайтириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг қарори ижро этиш учун тегишли идораларга юборилди.

Ш. ОРТИҚОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бугун — Амир Темур таваллуд топган кун

ХАЛҚ ДАҲОСИНИНГ ТИМСОЛИ



Соҳибқирон Амир Темурнинг башарият олдидаги буюк хизматлари бугун жаҳон аҳли томонидан ҳақли равишда эътироф этилмоқда. Зеро, бобокалонимизнинг маънавияти ва шижоати, адолатпарвар сиёсати дунёга ибрат, намуна. Шу боис, истиқлол йилларида Соҳибқирон асос солган давлатчилик анъаналарини чуқур ўрганиш, Темур ва темурийлар даврининг жаҳон цивилизацияси ривожидаги ўрнини тадқиқ қилиш ишлари нафақат юртимиз, балки кўплаб хорижлик олимлар ва мутахассислар эътиборида.

Айни кунда дунёнинг элликдан зиёд мамлакатида темуршунос олимларнинг фаолият кўрсатаётгани ҳам сўзимиз исботи.

Бугун — соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун. Шу сана муносабати билан ҳар йилги анъанага мувофиқ бобокалонимизнинг асрлар оша эътироф этиб келинаётган хайрли ишлари яна бир карра ёдга олинади, хотираси шод этилади. Қолаверса, бу кунда юртимиз пойтахти, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида қад ростлаган Соҳибқироннинг маҳобатли ҳайкаллари пойига гулчамбарлар қўйилади. Зотан, Амир Темур халқимиз учун адолат, илм-маърифат, шижоат, эзгулик ва юксак ифтихор тимсолидир.

Газетамизнинг 4-саҳифасида Амир Темур шахсияти, жаҳон тараққиётидаги беқиёс ўрнига доир мақола билан танишасиз.

Халқаро турнир олдидан

КУРАШ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИНИНГ БЕЗАГИ БЎЛАДИ

Айни кунларда мамлакатимизда катта спорт байрамига ҳозирлик кўрилмоқда. Аввал хабар берганимиздек, 11-12 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси учун Термиз шаҳрида Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган миллий спортимиз — кураш бўйича IX халқаро турнир бўлиб ўтади.

Бугун шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, бундан ўн бир йил муқаддам халқаро спорт тури сифатида эътироф этилган кураш аста-секин қитъаларни ҳам забт этмоқда. Кураш жорий йил Вьетнамда ёпиқ иншоотларда ўтадиган ва Таиланд давлати мезбонлик қиладиган якка кураш спорт турлари бўйича Осиё ўйинлари дастуридан ҳам расман жой олган.

Термиз шаҳрида ташкил этиладиган нуфузли мусобақада қатнашиш истагини билдирган давлатлар делегациялари бирма-бир юртимизга келишмоқда. Кеча халқаро турнирда фахрий меҳмон сифатида иштирок этадиган Африка Миллий Олимпия қўмиталари ассоциацияси президенти Ласанно Паленфо, Халқаро Олимпия қўмитаси ҳамда 2012 йил Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларини ўтказиш бўйича ХОҚ комиссияси аъзоси, енгил атлетика бўйича уч карра Олимпиада ўйинлари ғолиби Ирена Шевинскалар мамлакатимизга ташриф буюришди.

Меҳмонлар дастлаб пойтахтимиздаги "Олимпия шон-шуҳрати" музейида бўлишиб, бу ердаги экспонатлар билан яқиндан танишдилар. Шундан сўнг Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Кураш халқаро ассоциацияси раҳбарияти иштирокида матбуот анжумани уюштирилди.

(Давоми 4-бетда).

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан мазкур мураккаб иқтисодий аҳволни мустақил тарзда енгиб ўтиши ва глобаллашув шароитида Европа Иттифоқининг ишончли ҳамкори бўлиши мумкин. Бундай ҳамкорлик умумий манфаатлар ва ўзаро ҳурматга асосланиши лозим.

ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ – ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Италия меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий сиёсат вазирлиги икки томонлама келишувлар бошқармаси директори П. Малара Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ўз китобида жаҳон молиявий инқирозини чуқур таҳлил қилгани ва узоқни кўзланган хулосалар чиқарганини қайд этди. Хусусан, китобнинг биринчи қисмида чиқарилган муҳим хулоса шуки, бугунги кунгача дахлсиз деб ҳисобланган жаҳон эркин бозори тизими шундай босқичига етиб келди — энди орқага йўл йўқ — иқтисодий-молиявий ва пул сиёсати бутунлай қайта кўриб чиқилиши керак.

«Молия муаммоси»ни батафсил таҳлил қилиш ва Ўзбекистон томонидан қабул қилинган чора-тадбирлар банк тизимини ҳимоя қилиш, кучли давлат ҳимояси билан марказий бошқарувдан молия бозорига ўтиш, хорижий инвестициялар жалб қилиш орқали кафолатланган кредитлар алоҳида эътиборга молик. Бу, менинг фикримча, инқирознинг мамлакат иқтисодиётига салбий таъсирини кескин камайтиришда муҳим роль ўйнади.

Жаҳон ҳамжамиятидан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсиши, инвестициялар миқдори, аҳолининг йиллик даромади, саноат маҳсулотлари, турли хизмат кўрсатиш ва ресурсларнинг аҳоли ўртасида тенг бўлинганлиги қайд этилади.

Оқилона ва изчил олиб борилаётган сиёсат туфайли аҳоли бандлиги бўйича сезиларли ютуқларга эришилганлигини таъкидлашни истардим. Аҳолининг ночор қатламларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар ҳам эътиборга молик. Бир қатор муҳим халқаро агентликлар томонидан тан олинган мустаҳкам банк тизими фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Президентининг банк тизими мамлакатда мавжуд кредит институтларини таъминлай олиши ва жамғариладиган маблағларни ошириш ва инвестицион лойиҳаларни ривожлантиришга эътибор қаратиши зарурлиги тўғрисидаги фикрларини қўллаб-қувватлайман.

Албатта, Ўзбекистоннинг ҳам инқирознинг салбий таъсиридан четда қолиши қийин. Шу маънода мен Президент Ислом Каримовнинг тегишли эркин бозор моделини, мамлакатда барқарорлашган иқтисодий омилларни назорат қилишга ижозат берилганлиги ва бундан кейин ҳам ижозат берилиши борасидаги нуқтаи назарига қўшиламан.

Экспортни ривожлантириш сиёсати ва ички талабни бир қатор технологик ривожланишлар билан қўллаб-қувватлаш, электр ва энергияни тежаш мамлакатда янгича мақбул иқтисодий ҳолатни юзага келтирди.

Келажакка, инқироздан кейинги даврга назар солиш керак. Иқтисодиётнинг турли соҳалари, хусусан, мамлакатнинг энергетика ва транспорт соҳаларини таркибий ва технологик янгилаш бўйича 300 дан ортиқ лойиҳалар йўналтирилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши учун маблағ ҳам киритилган. Бошқача айтганда, келажак авлод учун қулай шароит яратилмоқда».

Францияннинг «Les milieus des empires» ахборот-таҳлил нашри Президент китобини шарҳлар экан, жумладан, шундай ёзади: «Ўзбекистонда Инқирозга қарши чоралар дастури қабул қилинди ва айни пайтда мамлакатнинг бозор иқтисоди шароитида тутган йўли мустаҳкамланди. Ҳозирги вақтда мамлакат банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги доллар ҳисобида 1,5 миллиард доллардан ортиқдир. Бу ташқи нодавлат қарзлар бўйича тўланиши керак бўлган тўловлар ҳажмидан 10 баробар кўп демакдир.

Давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини ўз зиммасига олиши, иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, шунингдек, қонун устуворлиги ва кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва вазминлик билан амалга ошириш Ўзбекистон келажагини таъминлайди».

Қирғизистонда чоп этиладиган «Белый парус» газетасида эълон қилинган «Президентнинг китоби» мақоласида шундай дейилади: «Ислом Каримов асарининг моҳияти ва аҳамияти шундаки, ушбу китобда ҳар томонлама ва холисона ўрганиш асосида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатида пайдо бўлган муаммоларнинг аниқ концепцияси кўринади ва амалий хулосалар берилади». Шунингдек, газетада таъкидланишича, «Юзага келаётган муаммо ва қийинчиликларга қарамай, мамлакатда 2008 йилда иқтисодиётнинг нафақат барқарор фаолият кўрсатиши, балки юқори суръатда, изчил ўсишини ҳам таъминлашга, комплекс чора-тадбирлар, хусусан, Инқирозга қарши чоралар дастурининг қабул қилиниши ва унинг амалиётга татбиқ этилишига эришилди».

«Ушбу дастурнинг амалга оширилиши нафақат жаҳон молиявий инқирозининг таҳдид ва хатарларига муносиб қарши туриш, унинг мамлакат иқтисодиётига салбий таъсирининг олдини олиш ҳамда инқироздан сўнг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорларида ўз мустаҳкам ўрнини эгаллаши, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини янада ошириш имконини беради», деб ёзади «Белый парус».

Исроилнинг «АШРА» давлат суғурта компанияси бошқарма бошлиғи Александ Авербух ва мазкур ташкилотнинг хавф-хатар суғуртаси бўйича таҳлилчиси Александр Крумернинг фикрларига кўра, Президент Ислом Каримов ўз асарида жаҳон молиявий инқирози юзага келишининг қатор сабаблари ва унинг мамлакат иқтисодиётига таъсирига тўхталиб ўтади. Ўзбекистонда иқтисодий таназзул бошлангунига қадар қабул қилинган чора-тадбирлар иқтисодий инқироз зарарларини камайтириш ва босқичма-босқич ривожланишнинг дастлабки шароитларини намоён этган самарали механизм ташкил этиш учун замин яратди.

Бошқа давлатлардан фарқли равишда, молиявий инқирознинг биринчи тўлқини Ўзбекистон иқтисодиётига унчалик қаттиқ таъсир қилгани йўқ. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2008 йилнинг иккинчи ярмидаёқ ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури бутунжаҳон инқирозига ўз вақтида қайтарилган жавоб ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва таркибий тузилишини янгилаш Инқирозга қарши чоралар дастурининг муҳим жиҳатлари ҳисобланади. Ўзбекистон ҳукуматининг солиқларни камайтириш, мамлакат Президенти томонидан ишлаб чиқилган беш тамойилдан бири — иқтисодиётнинг сиёсатдан устувор бўлиши тамойилига асосан, мамлакат инфратузилмасини модернизация қилишни капиталлаштириш — мамлакатнинг инқироздан сўнг жаҳон бозорларида янада рақобатдош давлатга айланишини таъминлайди.

Инфратузилмага, қишлоқлар, ижтимоий ҳимояга ажратилаётган маблағлар мамлакат ҳаётининг ривожланиб бориши жараёнида Осиёнинг етакчи давлатларидан бири бўлиб қолишида муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун Ўзбекистон Президенти инқирозни республиканинг иқтисодий ўсишини тезлаштирадиган куч сифатида кўради.

Жаҳон инқирози Ўзбекистон банк-молия тизимига кам миқдорда таъсир этди, чунки бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, мамлакатда таваккалчиликка йўл қўйилмади.

"Мудис" халқаро агентлиги таҳлилчиларининг хулосасига кўра, Ўзбекистон банк тизими ижобий фаолият олиб бормоқда. Инқироз авж олаётган бир пайтда Ўзбекистон банкларининг барқарор ўсиши ва юқори инвестиция даражаси сақланиб қолинаётгани кузатилмоқда. Барча келтирилган омиллар Ўзбекистон иқтисоди инқироздан сезилмайдиган талафот кўришига замин яратади.

«Жаҳон» АА.

Анжуман

ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИ – ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

Бугунги кунда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш муҳим вазифалар сирасига киради.

Қувонарлиси, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида иқтисодиётнинг ушбу тармоқлари тобора ривожланиб, ялпи ички маҳсулотда уларнинг улуши йилдан-йилга кўпайиб бораётир.

Таъкидлаш жоизки, бундай ижобий ўзгаришлар негизида тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароитлар яратилаётгани, хусусан, солиқ борасида қатор енгилликлар берилаётгани мужассам. Инқироз таъсирини камайтириш, унинг салбий оқибатларини олдини олиш борасида Президентимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли китоби соҳа ходимлари учун дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Кеча Давлат солиқ қўмитасида "Тадбиркор манфаати—доимий ҳимояда" мавзусида бўлиб ўтган матбуот анжуманида шулар ҳақида фикр юритилиб, иштирокчилар соҳадаги янгиликлар билан таништирилди.

Қўмита раиси Б. Парпиев бошқарган анжуманда қайд этилганидек, бу борадаги вазифаларнинг ижросини изчил таъминлаш мақсадида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши томонидан талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, режадан ташқари ҳужжатли текширишларга рухсат бериш тартибига ўзгартириш киритилди. Унга кўра, жорий йилда режадан ташқари ҳужжатли текширишлар ўтказишга фақатгина Кенгаш раиси ҳамда режадан ташқари қисқа муддатли текшириш ўтказишга рухсатномани эса Кенгашнинг ҳудудий комиссияси раислари — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари имзоси билан расмийлаштириш тартиби ўрнатилди. Шунингдек, туман (шаҳар) ҳокимлари ва ҳудудий комиссиялар раиси ўринбосари сифатида давлат солиқ бошқармалари бошлиқларининг ушбу йўналишдаги текширишларга рухсат бериш ваколати 2010 йилгача тўхтатилди.

Бундан ташқари, шу йилнинг 27 мартида тасдиқланган Кенгаш қарорига биноан, дастлаб тасдиқланган режа-жадвалдан яна 4413 та хўжалик юритувчи субъект чиқарилиб, умумий ҳисобда 64 фоизга, Давлат солиқ хизмати органлари томонидан режали тарзда текширилиши мўлжалланган корхоналар сони эса 7464 тага ёки 62 фоизга қисқартирилди.

Тадбирда яна бир янгилик — Солиқ кодексининг 70-моддасига асосланган ҳолда камерал назорат усулидан фойдаланиш ҳақида сўз борди. Бу усулнинг моҳияти шундаки, солиқ тўловчининг фаолияти солиқ ва бошқа тегишли органларда мавжуд бўлган ҳисобот ва маълумотларга асосан назорат қилиб борилади.

Албатта, бундай имтиёзлар тадбиркорларга эркин фаолият юритишлари учун ҳуқуқий кафолат бериш билан бирга, улардан қонун асосида ишлашларини ҳам талаб этади. Бу — тадбиркорларимиз зиммасига улкан масъулият юклайди, деганидир.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мурувват

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ва "Ўзбекистон темир йўллари" Давлат акциядорлик компанияси ҳамкорликда Навоий вилоятига "Саломатлик" поездини юборди.

«Саломатлик» поезди Навоий вилоятида

Ўн тўрт нафар малакали шифокорлардан иборат махсус гуруҳ бир ҳафта давомида вилоятнинг энг чекка ҳудудлари ва овулларида яшовчи аҳолини тиббий кўрикдан ўтказади. Айниқса, ижтимоий ёрдамга муҳтож қатлам – боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз қариялар, ногиронларга алоҳида эътибор қаратилади.

Айни пайтда Тошкент-Тинчлик-Конимех-Карақата-Мустақиллик-Бузоубой-Учқудуқ йўналиши бўйлаб ҳаракатланган ва қарийб 84 млн. 450 минг сўмлик озиқ-овқат, кийим-кечак, тиббий жиҳозлар, дори-дармонлар юкланган поезд ижтимоий ёрдамга муҳтож хонадонларга меҳр-мурувват улашишга хизмат қилади. Тадбир доирасида малакали мутахассислар иштирокида аҳолининг тиббий маданиятини оширишга қаратилган давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказиш, вилоятдаги Меҳрибонлик, Саховат уйлари, шифохоналар, умуман ижтимоий муассасаларга ҳам ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган.

С. АЪЗАМХЎЖАЕВА.

Бунёдкорлик

«Агробанк»нинг янги биноси

"Агробанк" акциядорлик тижорат банки Бухоро вилояти бошқармасининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Замонавий услубда барпо этилган ушбу муҳташам бино қурилиши учун 5,2 миллиард сўм маблағ сарфланди. Бу ерда банк мижозларига тезкор молиявий хизматлар кўрсатиш учун барча қулайликлар яратилган.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи:

РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ


(Давоми. Боши 1-бетда).

Бундан роппа-роса бир йил олдин тоғ-кон мажмуаси қурилиши бошланган эди. Россиянинг "ЗУМК инжиниринг" масъулияти чекланган жамияти мазкур мажмуадаги барча ер усти ва ер ости қурилиш ишларини бажаришни ўз зиммасига олган.

— Бу ерда ишлаётган кишилардан етакчи мутахассисларгина Россиядан келган, — дейди жамият техник директори Валерий Неуймин. — Уларнинг сони 10 нафардан ошмайди. Ҳозирча 150 киши ишлаяпти. 25 киши Пермь шаҳридаги турдош корхонада бўлиб, иш ўрганиб келишди. Ишчи-хизматчиларнинг меҳнатга муносабати, тиришқоқлигига ҳавасинг келади. Қурилиш билан боғлиқ яна бир нарсани таъкидлашни истардим: бутун дунёда иқтисодий инқироз кузатилаётган бир пайтда биз унинг таъсирини сезмаяпмиз. Чунки молиявий ресурслар, таъминотда муаммо йўқ. Ваҳоланки, бу — жуда катта қурилиш. Ҳар қандай давлат ҳам бундай кенг миқёсли ишга қўл ура олмайди. Буни жаҳон тажрибаси ҳам кўрсатиб турибди.

Маълумки, Тепақўрғон ясси тоғи бағрида калий тузлар захираси борлиги бундан ярим аср олдин аниқланган эди. Фақат мустақиллик туфайли Юртбошимизнинг ташаббуси билан бу хазинанинг кўзи очилмоқда. Эътибор беринг: заводнинг тоғ-кон ва қайта ишлаш мажмуасини бунёд этиш учун 123,67 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланади. Йўл қуриш, электр, алоқа, сув тизимини барпо этиш ишлари эса бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилди.

— Бир йил муқаддам калий тузлари қатламига олиб борувчи ер ости йўлини қуришга киришган эдик, — дейди дирекциянинг бош кончиси Урал Назаров. — Ҳозиргача ёнма-ён қурилаётган икката туннелдан биттаси 247 метргача, иккинчиси 282 метргача қазилди. Тупроқ юмушлари асосан қўлда бажарилганлиги учун иш қийин кечди. Энди ош тузи қатлами бошланди. Ҳадемай, кон комбайнлари ишга тушади. Ер ости йўли эса тобора пасайиб боради. Калий тузларига етиш учун жами икки минг метрлик йўл қазишимиз керак. Ўшанда икки юз метр чуқурликка тушилади. Туз эскалатор ёрдамида юқорига олиб чиқилиб, машиналарга юкланади ва қайта ишлаш корхонасига етказиб берилади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига қараганда, кондаги калий тузлари захираси 198 миллион тоннани ташкил этади. Завод қуввати йилига 700 минг тонна хом ашёни қайта ишлашга мўлжалланган. Демак, туз захираси қарийб уч юз йилга етади.



Айни кунларда завод қурилиши билан боғлиқ ишларда 300 киши банд бўлса, корхона тўла қувват билан ишга тушгач, ишчилар сони 1300 нафарга етади. Бу бандлик муаммоси кескин бўлган Деҳқонобод туманида аҳолини иш билан таъминлаш учун катта имониятдир.

Бўлажак заводнинг қайта ишлаш мажмуасини Хитойнинг "Ситик" компанияси қуради. 20 гектарлик қурилиш майдони аллақачон текисланиб, ишни бошлашга тахт қилиб қўйилган. 20 март куни компания вакиллари иштирокида рамзий ғишт қўйилди. 2010 йилнинг июль ойида Марказий Осиёда ягона бўлган калийли ўғитлар заводидан дастлабки маҳсулот ишлаб чиқарилади. Кейинчалик корхонада ҳар йили ишлаб чиқариладиган 200 минг тонна маҳсулотнинг мамлакат эҳтиёжидан ташқари 90 минг тоннаси экспорт қилинади.

Деҳқонобод қирларида юртдошларимиз ҳозир ана шундай эзгу мақсадда мисли-сиз бунёдкорлик ишларини амалга оширмоқдалар.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: завод қурилишидан лавҳалар.

Ж. НОРҚОБИЛОВ олган суратлар.

Қорақалпоғистон томонларда

Нукусда "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари марказининг "Биз бир жамоамиз" тадбири катта уюшқоқлик билан ўтказилди.

Нукусда ёшлар тадбири

Тошкент шаҳри ва вилоятлардан ташриф буюрган меҳмонлар иштирокидаги мазкур тадбир давомида "Ахборот технологиялари", "Чет тилларни ўрганиш усуллари" ва "Иқтисодий ва ижтимоий билимларни ошириш" мавзуларида семинарлар ўтказилиб, уларда ёшларнинг интеллектуал билимларини ошириш масалаларига эътибор қаратилди.

Тадбир қатнашчилари И. Савицкий номидаги Нукус давлат санъат музейидан жой олган халқимизнинг бебаҳо дурдоналари билан яқиндан танишдилар. Шунингдек, тадбир иштирокчилари "Келажак овози" танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичини ўтказиш бўйича жамоатчилик кенгаши йиғилишида иштирок этишди. Шу куни Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг маданият саройида катта гала-концерт уюштирилди.

Касаначи бўласизми, марҳамат

Беруний туманида касаначиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили туманда ушбу соҳани ривожлантириш туфайли 471 та янги иш ўрни яратилди.

Шундан 105 таси саноат корхоналари, 124 таси мулкчилик шакли ҳар хил бўлган корхоналар, 149 таси хусусий тадбиркорлар ва 72 таси фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади.

Эътиборлиси, касаначилик асосида иш билан таъминланган фуқароларга корхона ва ташкилотлар томонидан барча шарт-шароит яратиб берилмоқда.

Ҳ. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Гулнора офисда анча ўтириб қолди. Интернетнинг янги техникаларга оид маълумотлари унинг қизиқишини оширганди. Тегишли сайтларда тақдим этилаётган техника воситаларининг модернизация даражаси, чакана баҳоси аниқ кўрсатилган. Бир туркум техника лизингга ҳам берилар экан. Мана шуниси қизиқ. Сўнгги маълумотларни қоғозга ҳам чиқариб олди.

ФЕРМЕР ВА КОМПЬЮТЕР

Биз ҳикоя қилаётган манзара мамлакат пойтахтига, бирор илмий-тадқиқот муассасасига хос бўлса керак, деган хаёлга борган бўлсангиз, ажаб эмас. Йўқ, ҳисобчи Гулнора Ўринбоева Сирдарё вилоятининг Сардоба туманидаги "Барака" фермер хўжалигида ишлайди. Абдумавлон Маҳмудов бошчилик қилаётган фермер хўжалиги юртимизда ушбу ҳаракат бошланган илк даврдан буён фаолият юритмоқда. Агар илғор жамоалар йил сайин хирмон салмоғини ошириб бориши билан кўзга ташланса, "Барака"да яна бир кўрсаткич — экин майдони тобора кенгайиб бориши эътиборни тортади. Бугунги кунда мазкур фермер хўжалиги ихтиёрида 500 гектар майдон бор. 260 гектари дон, 200 гектари пахтага ажратилган, қолган экинзорда мева ва сабзавот етиштирилади. Шунча майдонда 80 нафар одам ишлайди. Ўтган хўжалик йилида ялпи даромад ярим миллиард сўмга етиб, соф фойда 120 миллион сўмни ташкил этди.

"Барака" деганларича бор. Хўжалик ихтиёрида 8 та "МТЗ", 3 та "ТТЗ", 2 та "Олтой", 1 та комбайн, 2 та юк машинаси, 2 та микроавтобус, жами 20 та техника воситаси мавжуд. 2009 йил бошида "Омад-95" фермер хўжалиги 32 гектар майдони ва аъзолари билан "Барака"га қўшилди. Собиқ фермер Илҳом Туратовни иш бошқарувчи лавозимига муносиб кўришди.

Янги аъзолар билан гаплашсангиз, бу ўзгаришдан мамнун эканликларини дарров илғайсиз. Бултур режа бажарилмаган эди. Сабаби, "Омад-95"да техника етишмасди. Бошқалардан сўраб ишлаш билан узоққа бориб бўладими? Йил якунида фойда ўрнига зарар кўрилганини ўз кўзи билан кўрди. Нималарни ўзида татбиқ этишини ён дафтарига белгилаб олди. Уни бир нарса хурсанд қилди: ишнинг кўзини билиб ҳаракат қилса, ўзимиздаги имкониятлар кўпроқ экан. Шу ҳақда бирга ишлаётган аъзоларига гапириб берди. Бу гурунгдан "Барака" аъзоларининг ғурури ошди, ўз кучларига янаям ишониб ишлашга аҳд қилишди.

Мушоҳада

Албатта, замон қўяётган талабларга мос ишлаш учун ён-атрофга синчиклаб назар солиш керак. Ҳар бир рақам, ҳар бир кўрсаткич замирида нималар ётишини ҳисобга олиш лозим. Тўғри, фермер хўжалигида 80 киши иш билан банд. Бу дегани — шунча хонадондаги турмуш, кайфият йил бўйи тер тўкиб қилинган меҳнат натижасига боғлиқ. Галвир сувдан кўтарилганда арзирли ютуқ бўлса, ҳамманинг димоғи чоғ, кўнгли тўқ.

"Барака"чилар фаолиятига назар ташласангиз, умуман юртимизда фермерчилик ҳаракатининг тарихи қанчалик қисқа эканлигини, одамларда кайфият қандай бўлсин? Мана энди кенг майдон, кенг имконият бор, қанот ёзиб ишлаш мумкин.

Абдумавлон Маҳмудов яқинда бир гуруҳ ҳамкасблари билан Туркия сафарига бориб келди. У ердаги фермер хўжаликлари иш юритиш, кайфият қандай бўлади. "Келажак — фермерларники" деган шиор ташланганда, бу ишга кимлар қизиқмади дейсиз? Умуман, деҳқончилик кўчасидан ўтмаган, ҳосил етиштириш сирларидан бехабар одамлар ҳам фермерликни ҳавас қилишди. Ундайлар далалар ҳосилдорлигини ошириб, эл-юрт фаровонлигига ҳисса қўшишдан кўра "фалончининг шунча гектар ери бор" деган таърифга ишқибоз бўлишди. Бир йил, икки йил ўтди. Фермерларнинг сараси саракка, пучаги пучакка айлана бошлади.

Фермер бўлишнинг масъулияти катта экан. Тарозига ҳамма қараб туради. Аслида фермер фақат аъзолари ҳаёти учун эмас, бутун эл-юрт тақдири учун жавобгар. Ернинг умрини беҳуда ўтказиш гуноҳи азим. Далада етиштирилган неъмат салмоғи одамлар дастурхони қандайлигини белгилайди. 2009 йилнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги" йили деб эълон қилиниши фермерларга эътиборнинг юксаклигини кўрсатади. Омади гапни айтадиган бўлсак, бу йилимиз муайян маънода фермерларга бағишланган.

Шу ўринда Президентимиз қўяётган талабга эътибор қилайлик: "Бугунги ҳақиқий фермерни универсал деҳқон, деб атасак арзийди, албатта. Яъни, ҳақиқий фермер нафақат қишлоқ хўжалигини, деҳқончиликни, керак бўлса, ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий масалаларни, энг муҳими, тупроқ сирини биладиган, замонавий техника билан муомала қила оладиган, ер билан тиллашишга тайёр инсон бўлиши даркор. Фақат шундай инсонларга беқиёс бойлигимиз бўлмиш ерни ишониб топшириш мумкин". Ана шу талаблардан келиб чиқиб, бутун мамлакатимизда экин майдонларини оптималлаштириш тадбирлари амалга оширилмоқда. Бундан мақсад — халқимизнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, пировард натижада қишлоқ аҳолиси даромадлари ва турмуш даражасини юксалтиришдан иборат.

Бундай тадбирлар ҳар минтақанинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда бажарилмоқда. Аҳоли зичлиги, одамларнинг иш билан таъминланганлик даражаси ўрганилиб, адолатли ечимлар қабул қилинмоқда. Бозор муносабатларига ўтишда давлатнинг ўзи бош ислоҳотчи экан, бу тамойил, аввало, халқимиз манфаатларини кўзлаган ҳолда рўёбга чиқарилянти. Бу сиёсатни аҳолига етказиш, тушунтиришда фермерлар алоҳида ўрин тутишади.

Фермерлар қишлоқда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг чин маънода байроқдорларидир. Уларнинг дунёқараши, тафаккури замон талабларига монанд бўлсагина кўзланган мақсадларимизга тезроқ эришамиз. Шу маънода, умидимиз, эзгу ниятларимиз ижобати ҳам фермерларга боғлиқ.

Шуҳрат ЖАББОРОВ.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Метро ичида уч соат

Япониянинг Токио шаҳридаги метро бекатларида 75 минг киши уч соат мобайнида қолиб кетди.



Гап шундаки, «Токио тикатэцу» номли марказий метро бекати ходимларидан бири шу куни светофорни бошқаришни машқ қилаётган эди. У ўзи билмаган ҳолда марказий метро бошқарувига уланган светофорнинг қизил чироғини ёқиб қўяди. Натижада поездлар ҳаракати тўхтайди. Фақат уч соатдан кейингина юзага келган вазият сабаблари аниқланиб, йўл қўйилган хато тузатилади.

Ушбу воқеа юзасидан Токио метроси раҳбарияти йўловчилардан узр сўради.

Жониворлар шовқиндан безор

Кейинги вақтларда дельфин ва китларнинг денгиз қирғоқларига чиқиб қолиш ҳолати тез-тез кузатилмоқда.



Сув ости жониворларининг ҳаётига хавф солувчи мазкур ҳолат сабаблари Гавайя денгиз биологияси институти олимлари томонидан ўрганиб чиқилди.

Маълум бўлишича, ҳарбий соҳада қўлланиладиган сув ости қурилмаларнинг ҳаддан зиёд шовқин чиқариши жониворларнинг тинчини бузмоқда. Шу боис улар холироқ жой — ташқарига чиқишга мажбур бўлишаётир. Агар дельфин қурилмалар ёнида қирқ дақиқа турса, у эшитиш қобилиятини йўқотиши мумкин экан.

"Таймс" нашрида ёзилишича, сув тубида жойлашган ҳарбий қурилмалардан воз кечилмаса, сув жониворларининг қирилиб кетиш хавфи ошиб бораверади.

Корхонадаги кўнгилсизлик

Филиппин пойтахти Манила шаҳри яқинидаги корхоналардан бирида кўнгилсиз воқеа содир бўлди.

"Ассошиэйтед пресс" ахборот агентлиги хабарига кўра, маҳсулотларни қадоқловчи корхонада кучли портлаш рўй берган. Оқибатда 12 нафар ходим ҳалок бўлган. Бундан ташқари, корхона биносига ҳам жиддий зарар етган.

Айни пайтда воқеа сабаблари ўрганилмоқда.

Қўли қичиган хакерлар

АҚШда электр энергиялари компьютер тармоғида жосуслик ҳаракати амалга оширилгани аниқланди.



"Фокс ньюс" телеканали ахборотида келтирилишича, номаълум шахслар тармоққа жиддий зарар етказишга улгуришмаган. Бироқ, бундай хатти-ҳаракатлар мамлакатдаги сув, канализация ва бошқа инфратузилмаларга жиддий зарар етказиши мумкин экан. Шунга ўхшаш ҳолат АҚШда ўтган йилнинг январида ҳам кузатилган эди. Ўшанда хакерлар бутун мамлакатни электр энергиясиз қолдиришга ҳаракат қилишганди.

Қароқчилар тинчишмаяпти

Ахборот агентликлари тарқатган хабарларга қараганда, сомалилик қароқчилар Ҳинд океанида навбатдаги юк кемасига ҳужум уюштиришган.

Қўлга олинган кемада 17 минг тонна юк мавжудлиги айтилмоқда. Ҳозирча жиноятчилар талабларини маълум қилганлари йўқ.

Фаолият кўламини кенгайтирмоқчи

Дунёга машҳур "Coca-Cola" компанияси Буюк Британиядаги йогурт, ичимликлар ва салат ишлаб чиқарувчи "Innocent Drinks" корхонаси акциялар пакетининг бир қисмини сотиб олди.



Манбада айтилишича, бу борадаги келишув ҳажми 30 миллион фунт стерлинг (қарийб 45 миллион АҚШ доллари)ни ташкил этган. Айни пайтда "Innocent Drinks" дунёнинг 13 та мамлакатига ўз маҳсулотларини етказиб бермоқда. У Европадаги фаолият кўламини кенгайтириш мақсадида хорижлик инвесторларни ҳамкорликка чорлаганди. Хитойнинг шарбат ишлаб чиқарувчи "Huiyuan Juice" компанияси билан битимга эриша олмаган "Coca-Cola" учун эса бу айни муддао бўлди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоиз, бугунги кунда "Coca-Cola" жаҳоннинг 200 та давлатида ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Жиззах вилояти бўлими ва филиаллари томонидан кейинги бир йилда ҳудуднинг иқтисодиёт тармоқларига 17,7 миллиард сўмдан зиёд кредит ажратилган бўлса, унинг салкам 7,2 миллиард сўми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилди.

Миллий банк:

ИШБИЛАРМОНЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА



— Бундан кейин ҳам Президентимизнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш мақсадида қабул қилинган Фармон ҳамда қарорларининг ижросини таъминлаш доимий эътиборимизда бўлади. Айниқса, эндигина тадбиркорликни бошлаётган, шу соҳани танлаган ёшларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласига устуворлик берамиз, — дейди бўлим бошқарувчиси Рустам Маматқулов.

Қувонарлиси, кейинги пайтларда вилоятда кўплаб фермер хўжаликлари иссиқхоналар ташкил этишга ҳаракат қилишмоқда. Етти хазинанинг бири бўлмиш паррандачилик билан шуғулланаётган тадбиркорлар сони ҳам тобора ортмоқда. Янгидан барпо этилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари эса юзлаб ёшларни иш билан таъминлаяпти. Бу хайрли ишларни амалга оширишда Миллий банкнинг вилоят бўлими салмоқли улуш қўшаётгани ҳам таҳсинга лойиқдир.

Жамоада кредит олиш мақсадида тақдим этилган ҳар бир ҳужжат ва лойиҳани синчиклаб ўрганиш, мунтазам мониторинг ўтказиш анъанага айланган. Шундан келиб чиқиб, истиқболли лойиҳалар асосида минитехнология ва ихчам ускуналар сотиб олишга зарур маблағлар берилаяпти. Биргина ўтган йилнинг ўзида ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳасида фаолият бошлаган 11 та хўжалик юритувчи субъектга асбоб-ускуналар харид қилиш учун 936,3 миллион сўм, 29 та тадбиркорлик субъектига замонавий иссиқхоналар қуриш учун 487 миллион сўм ва паррандачиликни ривожлантириш учун 38 миллион сўм, тадбиркор аёлларга эса 455 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Натижада 1339 та янги иш ўрни яратилган бўлса, "Семурғ" фермер хўжалиги, "Ғалабадон" хусусий корхонаси, "Эл Эрк Нур" қўшма корхонаси, "Гагарин маъданли суви" хусусий корхонаси каби ўнлаб жамоаларда ўсимлик ва пахта ёғи, ун ва ун маҳсулотлари ҳамда чанқовбосди ичимликлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Банк бўлими иқтисодиётнинг реал секторини, хусусан, тадбиркорлик субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришда халқаро молия институтлари кредит линияларидан ҳам кенг фойдаланмоқда. Ўтган даврда умумий қиймати 5 миллион 423 минг АҚШ долларилик 11 та лойиҳа молиялаштирилгани шундан далолат беради.

Жумладан, "Розгазсервис" қўшма корхонаси бўлимнинг маблағи ҳисобига автомобилларга газ қуйишни йўлга қўйган эди. Эндиликда бу жамоа олаётган даромади, сифатли хизмати эвазига ўз фаолиятини йилдан-йилга кенгайтириб бормоқда. Шу боис жорий йилда корхонага Хитой Тараққиёт банки кредит линияси орқали яна 500 минг АҚШ доллари миқдорида узоқ муддатли кредит ажратилди.

Молия муассасаларида

Президентимизнинг 2007 йил 18 майда қабул қилинган "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан банк бўлими томонидан уларга 435,9 миллион сўм кредит берилди. Пировардида ўнлаб ёш оилалар уй-жойли бўлишди, янги хонадон эгалари тураржойларини жиҳозлаб олдилар.

Давлатимиз раҳбарининг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси ҳам жамоанинг диққат марказида турибди. Ўтган даврда кам таъминланган оилаларга 426 миллион сўмга яқин имтиёзли кредит ажратилгани, бу маблағ ҳисобига улар қорамол харид қилиш, хонадонида чорвачиликни ташкил этиш имкониятига эга бўлгани бунинг тасдиғидир.

Кейинги йилларда банк ходимлари қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётган ишбилармонларни иқтисодий қўллаб-қувватлаётганлари ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда. Мисол учун, Тошкентда бўлиб ўтган техника ва технологиялар халқаро кўргазмасида қатнашган жиззахлик тадбиркорларга 1,2 миллиард сўм, фермерларга эса 903,4 миллион сўм кредит берилган эди. Улар бу маблағларга минитехнологиялар харид қилиб, ўзларининг ишлаб чиқариш имкониятларини кескин оширишга эришдилар.

Ҳозирги кунда Миллий банкнинг вилоят бўлими аҳолига 20 та миллий ва 7 та хорижий валютадаги омонат турларини таклиф этган. Бундан ташқари, у қимматли қоғоз ҳисобланмиш омонат сертификатларини жорий этгани ҳам кўпчиликка маъқул бўлмоқда. Гап шундаки, бошқа омонат сертификатларидан Миллий банк сертификатлари фарқ қилади: уни сўндириш муддати етганда, уларнинг эгалари ўртасида ютуқли совринлар ўйналади.

Шу билан бирга, 2009 йилнинг март ойига қадар бўлимда эмиссия қилинган сўм ҳамда "VISA" пластик карточкалари сони 35671 тага етди. Пластик карточкалар эгаларига хизмат қилувчи корхоналар ва савдо ташкилотларига 102 та терминал ўрнатилди. Сўм пластик карточкалари орқали иш ҳақи бериш лойиҳалари сони эса 100 тадан ошди.

Дарҳақиқат, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Жиззах вилояти бўлими жамоаси ўз мижозлари — аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга кенг қамровли банк хизмати кўрсатиш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда. Бу, ўз навбатида, томонларнинг ўзаро ишончини тобора мустаҳкамлаб боради.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

САНОАТДАГИ ЮТУҚЛАР КЎЗГУСИ

Кеча Тошкентдаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида "Энергетика. Кимё. Машинасозлик" бешинчи Халқаро саноат ҳамда "Лаборатория Экспо Ўзбекистон — 2009" учинчи Халқаро ихтисослашган кўргазмалари иш бошлади. Тадбирлар Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, "Ўзкимёсаноат", "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компаниялари, "ZarExpo" кўргазма компанияси ҳамда Россия Федерациясининг юртимиздаги савдо ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўргазма



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Ўзбекистон саноатининг энергетика, кимё, машинасозлик сингари энг муҳим тармоқларига доир мазкур кўргазма кўлами йил сайин кенгайиб бораяпти. Натижада у ўтган қисқа вақт ичида миллий саноатимиз ютуқларининг йирик намойиш майдонига айланиб улгурди.

Кўргазмаларнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил исҳолотлар туфайли иқтисодиётимизнинг барча тармоқлари жадал ривожланаяпти. Айниқса, машинасозлик ва кимё саноатининг экспорт салоҳияти юксалиб бормоқда. Шу боис мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари билан дунёдаги кўплаб давлатларнинг етакчи компания ва фирмалари ҳамкорлик қилиш ташаббуси билан чиқаяпти. Анъанавий ўтказиб келинаётган кўргазмалар бунга асос бўлаётир.

Бу галги кўргазмалар савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, янги ҳамкорлар топиш, ўзаро келишувларга эришиш учун яна бир имкониятдир. Чунки кўргазма залларида нафақат маҳаллий корхоналар, балки Буюк Британия, Бельгия, Германия, Италия, Россия, Қозоғистон сингари кўплаб чет давлатлар етакчи компания ва фирмаларининг замонавий технология ва ускуналари намойишга қўйилган. Улар кўргазманинг 4 бўлимида ўнга яқин йўналишлар бўйича тақдим этилаяпти.

"Лаборатория Экспо Ўзбекистон — 2009" кўргазмаси ҳам қизғин давом этмоқда. У мавзу жиҳатдан Марказий Осиёда ягона эканлиги, айниқса, қўшни давлатлар ишбилармонларининг қизиқишини ошириб юборди.

— Ўзбекистон иқтисодиётининг нафақат машинасозлик, кимё, энергетика тармоқлари, балки қишлоқ хўжалиги, кон-металлургия, енгил, озиқ-овқат, фармацевтика саноатлари ҳам ривожланиб бораётганидан хабардормиз, — дейди "Карагандарезинатехника" масъулияти чекланган жамияти савдо директори ўринбосари Амангелди Какилов. — Биз кўргазмада ушбу соҳа корхоналари учун ишлатиладиган 500 яқин турдаги резина маҳсулотлар таклиф қилаяпмиз. Уларга иштирокчиларнинг қизиқиши катта. Биринчи кундаёқ бир нечта шартнома имзолашга эришганимиз бунинг тасдиғидир.

Тадбирлар доирасида ихтисослашган анжуманлар, компанияларнинг тақдимот маросимлари ўтказилиши кўзда тутилган.

Кўргазмалар 10 апрелгача фаолият кўрсатади.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

"Росагропромснаб" МЧЖ

ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
- 5^3 в/ч дан 500^3 в/ч гача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ
- ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
- ПЗК фильтрлари, ИЗО муфталари



Маҳсулот сертификатланган.

Тел./факс: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.
Манзил: Тошкент ш., «Чилонзор» мавзеси, Ц-даҳаси, 6-уй.
Мўлжал — «Шуҳрат» дўкони жойлашган чорраҳа.

БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ

Шўрчи туманидаги 122-мактаб-интернатда 200 нафардан зиёд имконияти чекланган ўғил-қиз таълим-тарбия олмоқда. Кўриш ва эшитиш қобилиятидан маҳрум бу болаларнинг бошқа тенгдошлари қатори билим эгаллаши, камол топиши учун масканда барча шарт-шароит муҳайё.

Яқинда мактаб-интернат ўқувчилари янги ўқув мажмуасида машғулотларни давом эттириш имкониятига эга бўлдилар. 180 ўринли мазкур замонавий бинонинг айни Наврўз айёми арафасида ишга туширилиши бу ерда таҳсил олаётган ўғил-қизларнинг қўшалоқ қувончига сабаб бўлди. Шунингдек, мактаб ёнида бунёд этилган 75 ўринли янги ётоқхона биноси ҳам фойдаланишга топширилди.

Албатта, кўнгли кемтик болаларни ҳам ота, ҳам она ўрнида тарбиялаш, уларга махсус ўқитиш услублари асосида таҳсил бериш, қолаверса, ҳар бир тарбияланувчининг феъл-атвори, дунёқараши, қизиқишларига қараб муносабатда бўлиш жасоратга менгзалгудек иш. Бундай хайрли вазифани масканда фаолият юритаётган 76 нафар ўқитувчи ва тарбиячи уддалаб келишмоқда.

Менганор Алиқулова — сурдопедагог. У болаларга бармоқларнинг ҳаракатланиши ёрдамида мулоқот қилишни ўргатади. Ўқитувчи меҳнат қилиб толмайди. Ҳар бир боланинг тезроқ мулоқотга киришиши учун астойдил ҳаракат қилади. Улар билан тиллашиб, ўй-хаёллари, истакниятларини билишни хоҳлайди. Қўшоқ Эшмонов, Абдужаббор Холиқуловларнинг меҳнати ҳам шундай мураккаб ва шарафли.

Мактаб-интернат фаолияти, бу ерда тарбияланаётган йигит-қизларни вояга етказиш иши нафақат давлатимиз, қолаверса, кенг жамоатчилигининг ҳам диққат-эътиборида. Хусусан, ўтган йили "Шўрчи дон маҳсулотлари" ҳиссадорлик жамияти томонидан ҳар бир тарбияланувчига кийим-бош, пойабзал олиб берилганди. Жорий йилда ушбу корхонанинг ҳомийлик ёрдами туфайли мактаб ётоқхона анжомлари билан таъминланди. Қолаверса, Наврўз байрами арафасида ҳомий ташкилотлар, саховатпеша инсонлар ўқувчиларга меҳр-мурувват кўрсатишди.

Ғамхўрлик

— Табиийки, ҳар бир тарбияланувчимиз вояга етгач, бу даргоҳ билан хайрлашади, мустақил ҳаётга қадам қўяди, — дейди мактаб-интернат директори Дониёр Бобонов. — Ўшанда улар ўз ҳаёт йўлини топишда қийналмаслиги, қоқилмаслиги лозим. Шу боис, ёшлик чоғидан уларга касб-ҳунар ўргатамиз. Ўн бешга яқин тўгарак фаолияти йўлга қўйилган. Бу тўгаракларда ўғил-қизларга дурадгорлик, бичиш-тикиш, суваткашлик, зардўзлик каби ҳунар сирлари пухта ўргатилади. Қолаверса, маскан билан хайрлашиб, мустақил ҳаётга йўл олган ёшларни иш билан таъминлаш масаласи ҳам эътиборимизда.

68-ақлий имконияти чекланган болалар махсус мактаб-интернати ҳам шу даргоҳ билан ёнма-ён жойлашган. Бу ерда тарбияланаётган 190 нафар ўғил-қиз енгиллаштирилган ўқув дастури бўйича хат-савод ўрганишади.

Бошқа махсус мактаблар қатори бу даргоҳнинг ҳам ўз автобуси бор. "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси маблағи ҳисобидан мактаб-интернат компьютер тўпламлари, 8 та тикув машинаси, 5 та дурадгорлик анжоми ва устачилик асбоблари билан таъминланди. Бинобарин, "Шўрчи дон маҳсулотлари" ҳиссадорлик жамияти ҳомийлиги асосида даргоҳда тиббий ускуналар билан жиҳозланган махсус муолажа хонаси ишга туширилди.

Боланинг бегонаси бўлмайди, дейишади. Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир йигит-қизнинг камолга етиши учун давлат, жамият томонидан етарли эътибор қаратилаяпти. Зеро, ёш авлодга кўрсатилаётган бугунги ғамхўрлик эртанги фаровонлигимизнинг асоси бўлиши, шубҳасиз.

О. УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Марказий Кенгаши жамғарма тафтиш комиссиясининг раиси, меҳнат фахрийси
Ҳамидулла НАСРУЛЛАЕВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон миллий телерадикомпанияси "Respublika teleradiomarkazi" давлат унитар корхонаси жамоаси Тошкент телемаркази смена бошлиғи
Аббосхўжа Аҳрорович ОЛИМОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

ХОАТБ "Алп Жамол Банк" Кенгаши, Бошқаруви ва жамоаси банк бошқаруви раиси
Ҳамидулла Носирович НАСРУЛЛАЕВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази жамоаси масъул ходим Ғулом Нарзуллаевга онаси
МУШАРРАФХОН аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

"Саноатконтехназорат" Давлат инспекцияси жамоаси геология-разведка ишларини бехатар олиб боришни назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси Зоир Халиқуловга отаси
Пирназар ХАЛИҚУЛОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва бирлашган касаба уюшма қўмитаси университет таълим-тарбия маслаҳатчиси Санобар Акбаровага турмуш ўртоғи
Аброрхон АКБАРОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «Тез пул ўтказиш» хизмати Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг!
ТЕЛ.: 237-21-93, 237-16-24. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAO@POST.UZ

Бугун — Амир Темур таваллуд топган кун

Табиат ҳар бир инсонга ўзининг манглайига битилганча салоҳият, ақлу зеҳн, нодир тафаккур, шиддату шижоат ато этади. Кимки ана шу инъомни қадрлаб, парваришлаб, унинг моҳиятини қанчалар тез англаса ва бутун кучини уни рўёбга чиқаришга сарф эта олса, ўша инсон бахтлидир. Шунда унинг шижоатидан жонажон миллати баҳра олади, туғилган юртининг кўкраги тоғдай кўтарилади, номи эса жаҳон тарихи саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилади.

Соҳибқирон Амир Темур ана шундай зотлар сирасига киради.

ХАЛҚ ДАҲОСИНИНГ ТИМСОЛИ

Амир Темур чиндан манглайи ёруғ Инсон эди, унинг бахти — тарих ва тақдир унинг зиммасига қандай вазифа юклаганини теран англаб етганлигида эди. Президент Ислом Каримов Соҳибқирон фаолиятига баҳо бериб, уни *буюк давлат арбоби, бунёдкор, илм-фан ҳомийси ва буюк саркарда* сифатида ўрганиш лозимлигини таъкидлаганлар. Чиндан ҳам, бу тўрт фазилат, бамисли Инсон тўрт унсурдан яратилгани каби, улуғ бобомизнинг суратию сийратида тўкис-тугал намоёндир.

Тангри таоло Амир Темур тақдирига катта давлат тузишни битган экан, Соҳибқирон буни болалигиданоқ, ёшлигиданоқ англади ва масъулиятни теран ҳис этди. Бутун шижоатини шу қутлуғ мақсадга қаратди. Унинг мақсади — элни бирлаштириш, ягона давлат барпо этиш эди. Шуни таъкидлаш жоизки, катта арбоблик маҳорати унда жуда эрта кўринди. Тарихчи олим Низомиддин Шомий ўзининг "Зафарнома" асарида Амир Темурнинг амир Ҳусайн билан мухолифлик йилларида юз берган бир воқеани таърифлайди. Ҳали Амир Темурнинг давлат бошига келишига хийла бор эди. Мамлакат ҳукмдори Амир Ҳусайн Соҳибқиронга нисбатан нуфузли ясовурий қабиласи ичида фитна уюштириш, шунинг билан унга заҳмат етказиш ниятида бир неча одамини пинҳона юборади. Буни фаҳмлаб қолган Соҳибқироннинг сафдошлари тезда Амир Ҳусайн одамларини қўлга олишни маслаҳат берадилар. Шунда Амир Темурнинг узоқни кўзлаб олиб борган сиёсати, теран ақли, катта арбоблик маҳорати яққол кўринади. У дейди: "Бу фикр тўғри эмас, чунки бу кунлар *давлатимизнинг* бошланғич кунларидир *(Ҳали давлат тузилишига тўрт йил бор! – М.А.)*. Агар биз уларни қўлга олсак, бошқа кишилар тисарилиб қоладилар ва биз томонга келишдан иккиланишга тушадилар. Қайси бир подшоҳ ўз ишини ғаддорлик ва бевафолик асосига қурса, кишиларга озор бериш ва ҳалок қилишга ошиқса, унинг давлати чайқалиб, қарорсизликка юз тутади. Биз ўз салтанатимизни *одамларга эътибор бериш ва уларни ҳимоя қилиш* (Таъкид бизники — ***М.А.***) асосига қураётганлигимиз сабабли уларни юпантириб, хотиржам қиламиз..." (Низомиддин Шомий. "Зафарнома", Т., 1996. 55-бет). Бу буюк давлат арбобининг сўзлари эди. *Одамларга эътибор бериш ва уларни ҳимоя қилиш* — кейинчалик Соҳибқирон салтанатида давлат сиёсати даражасига кўтарилди. "Темур тузуклари"да ҳам шундай сўзлар бор: "Ҳокимлару сипоҳдан қай бирининг *халққа жабр-зулм етказганини эшитсам*, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим..." ("Темур тузуклари", Т., 2005. 65-бет). Фарзандларига васиятларида ўқиймиз: "Ҳар неким мамлакат маслаҳати учун айттим, қулоғингизга тутунгизлар ва *раъойо (халқ маъносида) ва фуқарою мискин ҳолатидин ғофил бўлмағайсиз*... Нечукким мен адлу эҳсон била оламни обод этибмен..." ("Зафарнома", Т., 1997. 296-297-бетлар).

Одамларга эътибор бериш ва уларни ҳимоя қилиш;

халққа жабр-зулм етказганини эшитганда... чора кўриш;

раъойо (халқ маъносида) ва фуқарою мискин ҳолатидин ғофил бўлмаслик... Буларнинг бари Соҳибқироннинг инсонпараварлик дастурини ташкил қилар эди.

Шарафиддин Али Яздий, Соҳибқироннинг бир қарич ҳам ерни бўш қолдирмай обод қилишга интилганини ёзган эди. Ёки айни мана шу баҳор кунларида бобокалонимизнинг: "Бир дарахтни кестирсам, ўрнига ўнтасини эктирдим" деган ажойиб фикрини бир ёдга олайлик. Ҳа, у табиатан бунёдкор. Соҳибқирон ўттиз олти йил давлат бошқарган бўлсалар, шундан қарийб йигирма йили сафарларда ўтди. Шунга қарамай, улкан мамлакатда бир лаҳза ҳам бунёдкорлик ишлари тинмади. Соҳибқироннинг "Тузуклар"ида, тарихий асарларда учраган ушбу сўзларнинг ўзиёқ, бунёдкорлик кўлами ҳақида тўлиқ тасаввур бера олади: коризлар, работлар, кўприклар, масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар, лангар-хона (мусофирхона)лар, шифохоналар, саройлар, қозихоналар, боғлар, хиёбонлар, қасрлар, йўллар, ариқлар, бозорлар, мақбаралар, қишлоқлар, шаҳарлар... буларнинг бари шу салтанатда барпо этилганди. "Соҳибқирон ҳар ердаким, иморатқа қобил ер кўрса эрди, ул ерда албатта бир иморат солур эрди...", деб ҳайратланиб ёзганди Шарафиддин Али Яздий "Зафарнома"да...



Соҳибқироннинг илм-фанга ҳомийлиги исботини топган ҳақиқатдир. Унинг илм-фанни, билимни, хусусан, бинолим ташувчи китобни нечоғлик қадрлашини биргина мисолдан ҳам яққол кўришимиз мумкин. Аввало, соҳибқирон ўзи ҳақида бирон китоб ёздиришга шошилмади. Натижада фақат 1401 йилдагина Ғиёсиддин Алининг "Ҳиндистон ғазовоти кундалиги" китоби дунёга келди, кейинроқ Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома" асари (1404) ёзилди... Бу икки китобга соҳибқироннинг назари тушган. Ана шу "Зафарнома"нинг ёзилишидан олдин соҳибқирон тарихчини ҳузурига чорлаб, ўзи ва салтанати ҳақидаги асарнинг қандай ёзилиши хусусида суҳбат қуради ва унга китобда ортиқча сўзларга йўл қўймаслик, такаллуфу безаклардан холи бўлиш, "лоф уриш зийнати"дан ўзини тийишни маслаҳат беради. Асар содда ёзилиши, жимжимадорликдан холи бўлиши лозим, чунки у кенг халқ, авом учун ёзиларди... Кейин Амир Темур бундай дейди: "Шу услубда (яъни жимжимадор, такаллуфу безакли — ***М.А.***) ёзилган, ташбиҳ ва муболағалар билан оро берилган китобларда кўзланган мақсадлар ўртада йўқолиб кетади. Агар *сўз қоида-қонунидан* насибадор бўлганлардан биронтаси маънисини фаҳмлаб қолса қолар, аммо қолган ўнтаси, балки юзтаси унинг мазмунини билишдан, мақсадга етишдан ожиз... Шу сабабли, унинг фойдаси барчага баробар бўлмайди..." (Низомиддин Шомий. "Зафарнома". Т., 1996, 23-бет). Бу ерда соҳибқироннинг бир аллома сингари тарихчига маслаҳат беришига гувоҳ бўламиз. Соҳибқирон ўзининг умуман китоб аҳамиятини чуқур тушунишини, тарихнинг, илм-фаннинг қанчалар қадрига етишини, теран англашини кўрсатади. Бу ҳайратланарли ҳолдир.

Соҳибқироннинг буюк саркардалик фаолияти ҳам диққатга сазовор. Барчани ҳайратга солган нарса — соҳибқироннинг биронта ҳам жангда енгилмаганлигидир. "Марко Поло" журналида босилган Амир Темур ҳақидаги мақолада шундай сўзларни ўқиймиз: "...Амир Темур Хитойда Минь сулоласи давлат бошига келганда мўғулларнинг Хитойга солаётган хавфининг олдини олди; Московия Руси учун ҳам Олтин Ўрдани енгиб худди шундай хизмат қилди; Боязид Йилдирим устидан қозонган ғалабаси усмонлиларнинг Константинополни истило этишларини ярим асрга суриб юборди. Француз тарихчиси Рене Груссэ XX аср бошларида "Амир Темурнинг Боязид устидан ғалабаси христиан оламини асраб қолди", деб ёзган эди... Тарих Амир Темурни македониялик Искандар, Доро I, Юлий Цезарь каби саркардалар билан бир қаторга қўяди. Амир Темур машҳури замон саркарда сифатида, давлат тузиш ишларига, илм-фан, маърифат, маданият тараққиётига улкан ҳисса қўшган сиёсий арбоб мақомида тарихга кирди..."[1]

Соҳибқирон Амир Темур бемисл шижоати билан буюк давлат арбоби, бунёдкор, илм-фан ҳомийси ва буюк саркарда мақомларини бир Шахс сиймосини ўзида ёрқин мужассам эта олди — она халқининг куч-қудрати, ақлу заковатини тўла-тўкис намоён айлади, оқибатда фидойилик, донишмандлик, ватанпарварликнинг буюк тимсоли бўлиб қолди.

Собиқ тузум даврида Амир Темурга бўлган муносабат мутлақо салбий эди, ҳатто эмин-эркин номини ҳам айтиб бўлмас эди. Бобомизнинг тарихини чуқур ўрганишга, ёрқин сиймосини адабиёт, санъат ва маданиятда кўрсатишга сира йўл бермаган ҳукмрон мафкура унинг тарихини халқимиз хотирасидан ўчиришга астойдил бел боғлаганди.

Шукурлар бўлсинки, Истиқлол тарихий қадриятларимизни тиклашга, хусусан, Амир Темур шарафини улуғлашга катта имкониятлар яратди. Давлатимиз раҳбарининг бемисл жасорати, зукколик донишмандлиги, узоқни кўзлаган сиёсати Амир Темурни халқимизга қайтариб берди, унинг қутлуғ номи тикланди, Амир Темур ҳақида жаҳон афкор оммаси онгида катта ўзгаришлар ясади, ҳақиқат қарор топди.

1996 йил 18 октябрда Темурийлар тарихи давлат музейи очилиши маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шундай деган эди: "Амир Темур — халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзидир".

Бу сўзлар бугун озод ва обод Ватаннинг ҳар бир фуқароси қалбига чексиз ғурур ва фахр-ифтихор бахш этмоқда.

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

«ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ»

Яқинда «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналининг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишланган биринчи сони нашрдан чиқди.

Мутолаа

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Касаба уюшмалари федерацияси ҳамда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳаммуассислигида ўзбек, рус, инглиз тилларида чоп этилаётган мазкур журналда мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар, олиб борилаётган изчил ислоҳотлар тўғрисидаги илмий-маърифий мақолалар ўрин олган.

Мамлакатимизда сиёсий ва иқтисодий ҳаёт, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Мазкур журнал саҳифаларида айнан ана шу мавзудаги мақолалар кенг ёритилган. Хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллаларнинг фаолият кўлами ҳамда ваколатларини кенгайтириш масаласига бағишланган мақолада маҳаллаларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги барқарор ривожланишимизнинг муҳим омили экани теран таҳлил этиб берилган. Бундан ташқари, «Фуқаролик жамияти ва маҳалла», «Ўзбекистонда сиёсий ислоҳотларнинг ўзига хос принциплари», «Инсоннинг экологик хавфсиз яшаш ҳуқуқи кафолатлари» каби ранг-баранг мақолалар фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш одамларнинг онгу тафаккурида демократик қарашларнинг нақадар мустаҳкам ўрин олаётганига боғлиқ. Шу боис, мазкур журнал саҳифаларида ёритилган мақолалар орқали ҳар бир ўқувчи мамлакатда амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиланишлардан огоҳ бўлади. Асосий мақсад эса инсоннинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун имконият яратиб беришдир.

Спорт ● Sport ● Спорт

Кучлар тенг келди

Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси ва ОФК кубогининг учинчи тур учрашувлари ўтказилди.

Осиё чемпионлар лигасининг "А" гуруҳидан жой олган "Пахтакор" сафарда Эроннинг "Саба Баттери" жамоасига қарши майдонга тушиб, 2:0 ҳисобида ғалаба қозонганлиги ҳақида хабар берган эдик. ОФК кубогида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган "Нефтчи" жамоаси ("А" гуруҳи) эса Фарғонада Баҳрайннинг "Бусайтин" клуби билан 1:1 дуранг ўйнади ва 4 очко жамғариб гуруҳда учинчи ўринда бормоқда.

Осиё чемпионлар лигасида қатнашаётган яна бир жамоамиз "Бунёдкор" ("Д" гуруҳи) кеча пойтахтимиздаги "Жар" стадионида Эроннинг "Сепахон" жамоасини қабул қилди. Учрашувда 2:2 ҳисоби қайд этилди.

КУРАШ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИНИНГ БЕЗАГИ БЎЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).


— Ўзбекистонга иккинчи бор келишим, — дейди Ласанно Паленфо. — Бошқа давлатларда кураш бўйича ўтказилган мусобақаларда қатнашганман. Лекин, бу гал айнан кураш ватанида ташкил этилаётган беллашувларни шу ерда туриб кузатиш менга ўзгача завқ бағишлайди. Ўзбекистон раҳбарининг курашни дунё миқёсига олиб чиқиш борасидаги саъй-ҳаракатлари кутилган натижаларни бераяпти, деб бемалол айтиш мумкин. Чунки бугун ушбу спорт турининг довруғи беш қитъага етиб борди. Хусусан, Африкада ҳам ўзбек миллий спортига алоҳида ҳурмат билан қарашади. Кураш билан мунтазам шуғулланаётганлар сафи ҳам тобора кенгайиб бораяпти.

— "Олимпия шон-шуҳрати" музейини айланиш чоғида бир жиҳат эътиборимни тортди, — дейди Ирена Шевинска. — Мажмуада нафақат Олимпиада ўйинлари тарихи ва спортчиларингиз эришган ютуқлар намунаси, балки миллий қадриятларингиз — кураш, чавгон, кўпкари акс этган стендларга ҳам кенг ўрин ажратилган. Бу халқингизнинг узоқ ўтмишга эга урф-одатлари ва анъаналарини эъзозлашидан далолатдир.

Ўзбек спортининг қисқа муддат ичида қитъадаги иккита мусобақа (Вьетнамда ёпиқ иншоотларда ўтадиган ва Таиланд давлати мезбонлик қиладиган якка кураш спорт турлари бўйича Осиё ўйинлари) дастуридан жой олиши эътиборга лойиқ. Ишонаманки, кураш Осиё ўйинларининг безаги бўлади. Келгусида Олимпиада ўйинлари қаторидан ҳам жой олади.

Рустам Қосимжонов кучлилар сафида

Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ дунёнинг энг кучли шахматчилари рейтингини эълон қилди.



Унда ҳамюртимиз, гроссмейстер Рустам Қосимжонов етти поғона юқорига кўтарилиб, ўттиз бешинчи ўринда (2695 балл) қайд этилган.

Умумий рўйхатда болгариялик шахматчи Веселин Топалов етакчилик қилмоқда. Кучли учликдан ҳиндистонлик Вишванатан Ананд ва норвегиялик Магнус Карлсенлар жой олишган.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Спорт ● Sport ● Спорт

СОҲИБҚИРОН ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Марказий офицерлар саройида «Соҳибқирон Амир Темур — буюк саркарда ва давлат арбоби» мавзуида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбек миллий академик драма театри, Халқаро Амир Темур жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда олимлар, талаба-ёшлар, ҳарбий билим юртлари курсантлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси Муҳаммад Али, тарих фанлари доктори Ҳамидулло Дадабоев ва бошқалар мамлакатимизда тарихимизни холисона ўрганиш, буюк аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти, маънавий меросини асраб-авайлаш ва ёш авлодни миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Амир Темур ва темурийлар даврида барпо этилган тарихий обидалар, амалга оширилган бунёдкорлик ишлари Соҳибқироннинг буюк иқтидор ва салоҳият соҳиби эканидан далолат беради. Ўз ҳарбий концепциясини яратган бобокалонимизнинг ҳарбий санъати айни кунда ҳам дунёдаги кўплаб олий ҳарбий билим юртларида ўқиб-ўрганилмоқда.

Тадбирда Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига оид саҳна кўринишлари намойиш этилди. Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли хонандаларининг чиқишлари кечага янада файз бағишлади.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.

Навоий давлат педагогика институтида Амир Темур таваллудининг 673 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Тарихчи олимлар, археологлар, жамоатчилик вакиллари, ўқитувчи ва талаба-ёшлар иштирок этган анжуманда Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини, давлатчилик ва бошқарув тамойилларини чуқур ўрганиш тарихни билиш ва ўзликни англашга хизмат қилиши таъкидланди.

Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси Муҳаммад Али, Навоий давлат педагогика институти ректори Холбой Иброҳимов, олимлар Омонулла Бўриев, Адҳамбек Алимбеков, Мансур Олтинов, Равшан Раҳмонов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида тарихий ҳақиқатни тиклаш, Соҳибқироннинг ўзбек давлатчилиги асосларини яратишдаги буюк хизматлари ва маънавий-маданий меросини ўрганиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини қайд этдилар. Амир Темурнинг қонунчилик, сиёсий ва саркардалик фаолияти ҳам диққатга сазовор. Барчани ҳайратга солган нарса — соҳибқироннинг биронта ҳам жангда енгилмаганлигидир. "Марко Поло" журналида босилган Амир Темур ҳақидаги мақолада шундай сўзларни ўқиймиз: "...Амир Темур Хитойда Минь сулоласи давлат бошига келганда мўғулларнинг Хитойга солаётган хавфининг олдини олди; Московия Руси учун ҳам Олтин Ўрдани енгиб худди шундай хизмат қилди; Боязид Йилдирим устидан қозонган ғалабаси усмонлиларнинг Константинополни истило этишларини ярим асрга суриб юборди. Француз тарихчиси Рене Груссэ XX аср бошларида "Амир Темурнинг Боязид устидан ғалабаси христиан оламини асраб қолди", деб ёзган эди... Тарих Амир Темурни македониялик Искандар, Доро I, Юлий Цезарь каби саркардалар билан бир қаторга қўяди. Амир Темур машҳури замон саркарда сифатида, давлат тузиш ишларига, илм-фан, маърифат, маданият тараққиётига улкан ҳисса қўшган сиёсий арбоб мақомида тарихга кирди..."[1]

Соҳибқирон Амир Темур бемисл шижоати билан буюк давлат арбоби, бунёдкор, илм-фан ҳомийси ва буюк саркарда мақомларини бир Шахс сиймосини ўзида ёрқин мужассам эта олди — она халқининг куч-қудрати, ақлу заковатини тўла-тўкис намоён айлади, оқибатда фидойилик, донишмандлик, ватанпарварликнинг буюк тимсоли бўлиб қолди.


Собиқ тузум даврида Амир Темурга бўлган муносабат мутлақо салбий эди, ҳатто эмин-эркин номини ҳам айтиб бўлмас эди. Бобомизнинг тарихини чуқур ўрганишга, ёрқин сиймосини адабиёт, санъат ва маданиятда кўрсатишга сира йўл бермаган ҳукмрон мафкура унинг тарихини халқимиз хотирасидан ўчиришга астойдил бел боғлаганди.

Шукурлар бўлсинки, Истиқлол тарихий қадриятларимизни тиклашга, хусусан, Амир Темур шарафини улуғлашга катта имкониятлар яратди. Давлатимиз раҳбарининг бемисл жасорати, зукколик донишмандлиги, узоқни кўзлаган сиёсати Амир Темурни халқимизга қайтариб берди, унинг қутлуғ номи тикланди, Амир Темур ҳақида жаҳон афкор оммаси онгида катта ўзгаришлар ясади, ҳақиқат қарор топди.

1996 йил 18 октябрда Темурийлар тарихи давлат музейи очилиши маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шундай деган эди: "Амир Темур — халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзидир".

Бу сўзлар бугун озод ва обод Ватаннинг ҳар бир фуқароси қалбига чексиз ғурур ва фахр-ифтихор бахш этмоқда.

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Товар сертифицирован
INTEGRAL ASIA
Официальный дистрибьютор на территории Республики Узбекистан
DELL™
... от карманных компьютеров до серверов...

3 Технологии, обеспечивающие уверенность
года полной гарантии !!!
Тел.: 124-30-27, 120-30-27, 120-30-28. Факс 120-30-26.

ОБ-ҲАВО

(9 апрель)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат кечаси 3-8 даража илиқ, кундузи 17-22 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик бўлмайди. Тунда 5-10 даража илиқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат тунда 5-10 даража илиқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 5-10 даража илиқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 7-12 даража илиқ, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёғингарчилик бўлмайди. Тунда 5-10 даража илиқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат тунда 5-7 даража илиқ, кундузи 21-23 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Барча турдаги коммунал хизматлари тўловларини қабул қилади Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! ТЕЛ.: 233-57-47. ФАКС: 236-09-21. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAO@POST.UZ

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 46280 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t-Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Ф. Бўтаев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 22.20